


Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги

*70711001 – Муқобил энергия манбалари (Турлари бўйича )  
магистратура мутахассислигининг малака талаблари*

Тошкент-2021



## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:**

- Ислом Каримов номидаги Тошкент давлат техника университети;
- ЎзРФА “Физика-Куёш” ИИЧБ, Физика-техника институти

## **ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги Олий ва ўрта махсус, профессионал таълим йўналишлари бўйича ўкув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2021 йил «16» 08 даги 1 -сонли йиғилишида маъқулланган. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил «14» 08 даги 365 -сонли бўйруғи билан тасдиқланган.

## **ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур Малака талаблари “Олий таълим давлат таълим стандарти. Асосий қоидалар”, “Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари классификатори”, Ўзбекистон Республикаси Миллий малака рамкасига мувофиқ ишлаб чиқилган ва расмий меъёрий-услубий хужжат ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси худудида Малака талабларини расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/п		бет
1.	<i>70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи</i> .....	4
1.1.	<i>Кўлланиш соҳаси</i> .....	4
1.1.1.	<i>70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг қўлланилиши</i> .....	4
1.1.2.	<i>Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари</i> .....	4
1.2.	<i>70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятлари тавсифи</i> .....	4
1.2.1.	<i>70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг соҳалари</i> .....	4
1.2.2.	<i>70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг объектлари</i> .....	4
1.2.3.	<i>70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари</i> .....	5
1.2.4.	<i>70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари</i> .....	5
2.	<i>70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар</i> .....	7
2.1.	<i>Умумий компетенциялар</i> .....	7
2.2.	<i>Касбий компетенциялар</i> .....	7
	<i>Библиографик маълумотлар</i> .....	8
	<i>Келишув вараги</i> .....	9

## **1. 70711001 – Муқобил энергия манбалари (Турлари бўйича ) магистратура мутахассислигининг умумий тавсифи**

**70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрлаш кундузги таълим шаклида амалга оширилади. Мутахассислик бўйича ўқитиш кредит-модуль тизими асосида ташкил килинади. Магистратура дастурининг меъёрий муддати 2 йил.

### **1.1. Кўлланиш соҳаси**

#### **1.1.1. 70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) магистратура мутахассислиги малака талабининг кўлланилиши.**

Малака талаби **70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича)** магистратура мутахассислиги бўйича магистрлар тайёрловчи барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

#### **1.1.2. Малака талабларининг асосий фойдаланувчилари:**

- мазкур магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари, ўкув режа ва фан дастурларини ишлаб чиқиш ва янгилаш, улар асосида ўкув жараёнини самарали амалга ошириш учун масъул ҳамда ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасасининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўкув бўлими бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари) ва профессор-ўқитувчилари;
- магистратура мутахассислигининг ўкув режаси ва фан дастурларини ўзлаштирувчи олий таълим муассасасининг талабалари;
- магистратура битирувчиларининг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация комиссиялари;
- таълимни бошқариш бўйича ваколатли давлат органлари;
- олий таълим муассасаларини молиялаштиришни таъминловчи органлар;
- олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли давлат органлари;
- кадрлар буюртмачилари ва иш берувчи ташкилот ва корхоналар;
- олий таълим муассасаларига ўқишига кираётган баклавриат битирувчилари ва бошқа манфаатдор шахслар.

#### **1.2. 70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар қасбий фаолиятларининг тавсифи**

##### **1.2.1. 70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар қасбий фаолиятларининг соҳалари:**

**70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича)** – “Муҳандислик иши” таълим соҳасига оид мутахассислик бўлиб, барча таълими муассасаларида мутахассисликка оид фанларни ўқитиш, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва тармоқ илмий тадқиқот институтларида, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида, акциядорлик жамиятларида, ишлаб чиқариш корхоналарида, жумладан: қуёш ва шамол электр станциялари, уларнинг тармоқлари ва уларнинг жихозларини лойиҳалаш, ишлаб чиқариш, монтаж қилиш, созлаш ва ишлатиш билан шугулланувчи барча саноат ташкилотлари мажмуини қамраб олади.

##### **1.2.2. 70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар қасбий фаолиятларининг объектлари:**

- олий таълим, кайта тайёрлаш ва малака ошириш, професионал таълим муассасаларида педагогик фаолият;
- Фанлар академияси ва тармоқ илмий-тадқиқот институтлари ва марказларида ҳамда олий таълим муассасаларида илмий-тадқиқот фаолияти ва жараёнлар;

- қайта тайёрлаш ва малака ошириш таълим тизими муассасалари;
- давлат бошқаруви ва унинг турли ҳудудий бўлинмалари;
- муқобил энергия манбалари асосидаги (куёш, шамол, геотермал,биогаз ва бошқа турдаги ёкилги ресурслари) қурилмалари диагностикаси ва синови;
- муқобил энергия манбалари асосидаги (гидравлик, куёш, шамол, геотермал,биогаз ва бошқа турдаги ёкилги ресурслари) қурилмаларни лойихалаш тизимлари;
- куёш иссиклик қурилмалари ва тизимлари;
- муқобил энергия манбалари асосида ишлаб чиқилган электр энергия таъминоти тизимлари;
- муқобил энергия манбалари энергетик қурилмаларини ишлаб чиқариш корхоналари;
- муқобил ёкилги ресурсларини ишлаб чиқариш обьектлари;

#### **1.2.3. 70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрлар касбий фаолиятларининг турлари**

- илмий тадқиқот фаолияти;
- педагогик фаолият;
- лойиҳавий-конструкторлик фаолияти;
- таҳлил ва назорат фаолияти;
- ташкилий-бошқарув фаолияти;
- ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолияти.

#### **1.2.4. 70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий вазифалари:**

70711001 – Муқобил энергия манбалари (турлари бўйича) мутахассислиги бўйича Миллий малака рамкасининг 7-малака даражаси ҳамда магистр касбий фаолиятларининг соҳалари, обьектлари ва турларига мувофиқ магистратура битирувчиси қуидаги касбий вазифаларни бажаришга қодир бўлиши лозим:

##### **Илмий тадқиқот ва педагогик фаолиятида:**

- илмий, амалий тадқиқотларни ўтказиш, тажриба натижаларини таҳлил килиш ва улар асосида илмий асосланган хуносалар чиқариш, илмий янгиликларни кашф этиш;
- илмий мақолалар, маъruzалар, рисола, ўқув адабиётлар тайёрлаш ва таҳrir килиш, ўтказилаётган тадқиқотлар мавзуси бўйича илмий шарҳларни ишлаб чиқиши, рефератлар ва библиографияларни тузиш;
- илмий адабиётлар ва интернет тармоғида энг янги илмий, конструкторлик, технологик ва эксплуатацион ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда кидириш ва топиш;
- илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш ҳамда фаол иштирок этиш;
- мос мутахассислик мавзуси бўйича илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиши, ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ва назарий моделларини ишлаб чиқиши;
- олий таълим, қайта тайёрлаш ва малака ошириш, профессионал таълим муассасаларида мутахассислиги бўйича педагогик ва ўқув-услубий фаолият юритиши;
- ўқув жараёнини ва илмий фаолиятни ташкил қилиш, замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан, ўқитишининг техник воситаларидан фойдаланиб ўқув машғулотларини ўтказиш;
- электрон (e-learning), мобил (m-learning), масофавий ахборот технология ва ўқув-методик мажмуналарни мукаммал ўзлаштириш;
- педагогик ва илмий маҳорати ҳамда малакасини мунтазам ошириб бориши.

##### **Лойиҳавий-конструкторлик фаолиятида:**

- күёш фотоэлектрик станциялари ва уларнинг бутловчи қурилмалари, қисмлари ва узелларини лойиҳалаш;
- шамол электр станциялари ва уларнинг бутловчи қурилмалари, қисмлари ва узелларини лойиҳалаш;
- ишлаб чиқариш корхоналарида лойиҳалаш-технологик ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- биомасса энергиясидан фойдаланиш, улар асосидаги энергетик қурилмаларда лойиҳалаш-конструкторлик ишларини ўрганиш, таҳлил қилиш, ишлаб чиқиш ва қўллаш;
- муқобил энергия манбалари асосидаги энергетик қурилмалар (күёш, шамол, биоэнергия, геотермал, гидроэнергия ва бошқ.) ёрдамида истеъмолчиларни электр таъминотини лойиҳалаш бўйича бўйича лойиҳалаш-конструкторлик ва лойиҳалаш-технологик ишларини тўлиқ бажариш кўникма ва малакасига эга бўлиш;
- илмий-тадқиқот институтлари ва ташкилотларида қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмаларни лойиҳалаш бўйича лойиҳалаш-конструкторлик ишларини бажариш ва уларни қўллаш тажрибасига эга бўлиш;
- қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар орқали истеъмолчиларни электр таъминотини лойиҳалаш бўйича бўйича лойиҳалаш-конструкторлик ишларини хозирги қуйилган талаблар нуқтаи назаридан замонавий ахборот ва ракамли технологияларни қўллаб бажариш кўникмаси ва тажрибасига эга бўлиши.

#### **Таҳлил ва назорат фаолиятида:**

- давлат, маҳаллий ҳукумат ва хўжалик юритувчи субъектларнинг электр таъминоти ва электр энергиясидан оқилона фойдаланиш бўйича Ўзбекистон Республикаси конунлари ҳамда меъёрий-хуқуқий ҳужжатларни билиши ва улардан ўз ф
- қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар орқали электр ва иссиқлик таъминотини лойиҳалаш соҳасида ечилаётган илмий муаммолар ва топширикларнинг концептуал ҳамда назарий моделларини ишлаб чиқиш ва илмий-тадқиқот натижалари бўйича тавсиялар ва ишланмаларни амалиётга татбиқ этиш;
- қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар орқали истеъмолчиларни узлуксиз электр таъминотини лойиҳалаш бўйича ишлар сифатини ошириш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш;
- Ўзбекистонда ҳамда хорижда қайта тикланувчи энергетика соҳасида электр таъминотининг сифатини яхшилашга оид жараёнлар ҳамда ҳодисаларни характерлайдиган кўрсаткичларни таҳлил қилиш ва қиёслаш, иқтисодий хавфсизликка таҳдид солувчи хавфхатарларни аниқлаш.

#### **Ташкилий-бошқарув ҳамда ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- замонавий ахборот технологиялар тизимидан фойдаланиб ишлаб чиқариш жараёнлари мониторинги ва сифатини баҳолаш методлари ҳамда механизмларини ишлаб чиқиш;
- ижрочилар жамоаси ишини ташкил қилиш;
- бажарилаётган иш режасини тузиш ва бу ишни назорат қилиш, ишни бажариш учун зарур бўлган ресурсларни режалаштириш, ўз ишининг натижаларини баҳолаш;
- ишлаб чиқариш жараёнларининг атроф-мухит муҳофазаси, ёнғин, техника ва меҳнат хавфсизлигини талабларига мослигини мониторинг қилиш;
- касбий этика коидалариги риоя қилиш.

#### **Ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

- қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар орқали электр таъминоти тизими обьектлари, жараёнлари, тизимлари, жиҳозлари ва техник воситаларидан самарали фойдаланиш;
- тизимлар, технологик жараёнлар, уларнинг элементлари ва технологик ҳужжатларни ишлаб чиқиша ижрочилар жамоаси таркибида иштирок этиш;

- муқобил ва қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар орқали электр таъминоти тизими объектлари, жараёнлари, тизимлари, жихозлари ва техник воситаларининг эксплуатация хавфсизлигини таъминлаш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва такомиллаштириш бўйича технологик ечимларни ишлаб чиқиш;
- техникавий-иктисодий таҳлил қилиш;
- ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг самарали усулларини танлаш ва қўллаш;
- қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар орқали электр ва иссиқлик таъминотида таъмирлаш, монтаж, фойдаланишга топшириш ҳамда жихозларини ишлатиш бўйича мавжуд ҳолатларнинг аналитик шарҳини ишлаб чиқиш;
- Муқобил ва қайта тикланувчи энергетика ихтисослигига мос мавзулардаги лойиҳаларни экспертиза қилиш бўйича эксперт гурӯхларида иштирокчи сифатида катнашиш;
- пуллик таълим хизматларини ташкил этиш ва амалга ошириш;
- ихтисосликка мос мавзу бўйича турли хизматларни кўрсатиш.

## **2. 70711001 – Муқобил энергия манбалари (Турлари бўйича)таълим мутахассислиги бўйича магистрларнинг касбий компетенцияларига қўйиладиган талаблар**

### **2.1. Умумий компетенциялар:**

- илмий дунёкарашга доир билимлар тизимини эгаллаган бўлиши, умумметодологик фанлар асоси, иктисодий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қилиш қобилиятига эга бўлиши;
- хорижий тиллардан бирида касбий фаолиятига оид ҳужжатлар ва ишлар моҳиятини тушуниши, илмий тадқиқот ва педагогика методологиясини билиши ва касбий фаолияти ундан замонавий илмий асосда касб фаолиятида фойдалана билиш;
- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиш;
- ўзлаштирилган билимларни ижодий танқидий кўриб чиқиш ва таҳлил қилиши, улардан илмий фаолиятида фойдалана олиши;
- ўз фаолиятида меъёрий-хуқуқий ҳужжатлардан фойдалана олиши, ўзининг касбий фаолиятида асосли мустақил карорлар қабул қила билиши;
- интернет тармоғидан ахборотларни олиш, сақлаш, қайта ишлашнинг асосий усуллари ва воситаларига эга бўлиши, ахборотни бошқариш воситаси сифатида компьютер билан ишлаш кўнікмаларига эга бўлиши;
- ахборот технологияларидан фойдалана олиши, ахборотлашган жамият шароитида ахборот технологияларининг моҳияти ва аҳамиятини тушуниш, ахборот хуружи хавфи ва таҳдидларни англаш, ахборот хавфсизлигининг асосий талабларига риоя қилиш қобилиятига эга бўлиши.

### **2.2. Касбий компетенциялар:**

- илмий, амалий тадқиқотлар олиб бориш, тажриба натижаларини қайта ишлаш ва улар асосида илмий асосланган хуносалар чиқариш, илмий маколалар тайёрлаш ва таҳrir қилиш, илмий семинар, конференция ва симпозиумларни ташкил этиш, ўтказиш, илмий лойиҳаларни ишлаб чиқиш кўнікмаларига эга бўлиш;
- педагогик фаолиятида ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланишни билиш;
- таълим сифати ва самарадорлигини оширишга инновацион ёндашишни билиш;
- илмий фаолияти натижалари бўйича давлат ва хорижда эълон қилинган лойиҳаларда иштирок этиш учун лойиҳа тайёрлаш кўнікмаларига эга бўлиши;

- давлат, нодавлат ва нотижорат ташкилотлари томонидан эълон қилинган лойихаларда иштирок этиш учун лойиха тайёрлаш малакаларига эга бўлиши;
- ишлаб чиқаришни ташкил этиш ва бошқариш кўникмаларига эга бўлиши;
- муқобил ва қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмаларнинг ишчи параметрларини аниқлаш бўйича синовларни ўтказиш кўникмаларига эга бўлиш;
- муқобил ва қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар орқали истеъмолчиларни электр ва иссиқлик таъминотидаги жараёнларни бошқариш, кузатиш ва ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;
- муқобил ва қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар орқали электр таъминотини лойихалаштиришда технологик интизомга риоя қилинишини назорат қилишни билиш;
- муқобил ва қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмаларни ўрнатишини лойихалаштиришнинг замонавий усулларини билиш;
- муқобил ва қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмаларни кенг жорий қилиш орқали энергия ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича тадбирларни ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш малакасига эга бўлиш;
- муқобил ва қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар ёрдамида истеъмолчиларга иссиқлик ва электр энергия етказиб бериш узлуксизлигини таъминлаш учун зарур бўлган чора-тадбирлар ишлаб чиқиш кўникмаларига эга бўлиш;
- муқобил ва қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар ва бутловчи жиҳозларини монтаж қилиш, созлаш, синаш ва фойдаланишга топшириш қоидалари ва технологиясини билиш;
- муқобил ва қайта тикланувчи энергия турлари асосидаги энергетик қурилмалар жиҳозларини, конструкциялар ва асбоб-ускуналарнинг техник холатини текшириш ва қолдик ресурсини баҳолаш кўникмаларига эга бўлиш.

## Библиографик маълумотлар

УДК: 002:651.1/7

Гурух Т 55

OKC 01.040.01

---

### Таянч сўзлар:

касбий фаолият тури, компетенция, модуль, касбий фаолият обьекти, касбий фаолият соҳаси, магистратура ва бакалавриатнинг асосий ўкув режа ва фан дастури, қонун, қоида, қарор, олий таълим, ўкув жараёни, магистратура, консалтинг, лойиҳа-қидириув, педагогик, илмий-педагогик иш, малака амалиёти, битириув малакавий иш, магистрлик диссертацияси, муқобил энергия манбалари, муқобил энергия манбалари асосидаги қурилмалар, гидроэнергетика, гидроэнергетик қурилма, сув, иссиқлик, фойдали иш коэффициенти, иш режими, лойиҳалаш, қайта тикланувчи энергия манбаи, қуёш энергияси, шамол энергияси, биомасса, геотермал, қуёш электр станцияси, шамол электр станцияси, баҳолаш, сифат назорат, давлат аттестацияси, мустақил таълим, ўкув фанлари блоки, мундарижа, олий таълим муассасаси, таълим жараёни, профиль, амалиёт обьекти, кадрлар сифати, юклама, юклама ҳажми, илмий фаолият, ички назорат, якунний давлат назорати, давлат-жамоатчилик назорати, ташки назорат, моддий-техник база, ишлаб чиқариш, лойиҳалаш, илмий тадқиқот жараёни, маҳсус фанларни ўқитиш методикаси, ахборот-коммуникатив тизимлар, замонавий тадқиқот методлари, ахборот ва замонавий педагогик технологиялар, моделлар ва моделлаш, илмий тадқиқотларни ташкил қилиш, виртуал электрон билим манбалари, дидактика, назария.

**Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда  
кадрлар истеъмолчилиари  
ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**



Ислом Каримов номидаги

Ташкент давлат техника университети

Ректор

prof. С.М. Турабджанов

М.Ү.

2011 йил « 03 » 08



М.Ү.

Директор

prof. X.К. Олимов

2021 йил « 03 » 08

**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги  
хузуридаги Олий таълим министри  
ривожлантириш тадқиқотлари ва илғор  
технологияларни татбиқ этиш маркази

Директор в.б.

М. Эсанов

2021 йил « 04 » 08

М.Ү.



ЎзРФА “Физика-Қуёш” ИЧБ,  
Материалшунослик институти

Директор

prof. О.Р. Парпиев

2021 йил « 04 » 08

М.Ү.



Қайта тикланувчи энергия манбалари  
миллий илмий-тадқиқот институти

Директор

prof. Н.А. Матчанов

2021 йил « 04 » 08

М.Ү.

**“Sun - Hightech” МЧЖ корхонаси**

Директор

prof. Э.Т. Абдуллаев

2021 йил « 04 » 08

М.Ү.

